Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 1 март, шанба • № 18 (10.896) • Эркин нархда сотилади

# ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ – ИНСОН МАНФААТЛАРИ ОМИЛИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 26 ФЕВРАЛДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 1996 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА 1997 ЙИЛДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Муҳтарам кенгаш қатнашчилари!

1996 йил якунлари, эришилган натижалар ва шу билан бирга ислоҳотларни амалга оширишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлили биз учун алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Чунки 1997 йилги иқтисодий янгиланишларнинг устувор йўналишлари айни мана шу асосда белгиланиши керак.

Ўтган йилга якун ясар эканмиз, унинг асосий хусусиятлари ҳақида хулоса чиқарганда, 1996 йил мамлакатимиз учун бозор иқтисодиётига асосланган демократик янгиланишлар йўлида муҳим босқич бўлди, дейишга тўла асосимиз бор.

1996 йил ҳақида гапирар эканмиз, **энг аввало** у иқтисодий ва молиявий барқарорлик йили бўлганини тўла ишонч билан айтиш мумкин. Чунки бу йилда иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Ялпи ички маҳсулот 1995 йил даражасига қараганда 101,6 фоизни, саноат маҳсулоти ҳажми — 106 фоизни, истеъмол моллларини ишлаб чиқариш — 108 фоизни ташкил этди. Бюджет камомади 3,5 фоиздан ошмади. Пулнинг қадрсизланиш ўртача йиллик даражаси 2 мартага камайди. Нақд пул эмиссияси даражаси эса 20,4 фоиздан 19,7 фоизга қисқарди.

**Иккинчидан.** Миллий валютани мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу миллий валютанинг ягона тўлов воситаси сифатидаги мавқеини ошириш имконини берди. Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1995 йилда 1,3 миллиард доллар сотилган бўлса, 1996 йилда 3,3 миллиард доллар миқдорида хорижий валюта сотилди.

**Учинчидан.** Иқтисодиётнинг таркибий тузилиш жиҳатидан ўзгартириш ишлари изчил амалга оширилди. 166,5 миллиард сўмлик сармоя ўзлаштирилиб, бундан 66 фоизи ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга сарфланди.

Асака автомобиль заводи, «Кварц» ишлаб чиқариш бирлашмасида меъморлик ойнаси ишлаб чиқариш бўйича цех қурилиши тугалланди, «Кабул-Тўйтепа-Текстайлз» қўшма корхонаси, Қарши шаҳридаги тўқимачилик комплекси, чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича «Касмир-Дери» қўшма корхонаси, Чирчиқдаги болалар пойабзали ишлаб чиқариш бўйича «КИБО» қўшма корхонаси ва яна бир қанча муҳим объектлар фойдаланишга топширилди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Газли-Нукус газ қувури, 3-кон-металлургия заводи, Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўли, Қамчиқ довонидаги автомобиль йўли қурилишлари жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва бошқа муҳим объектларни қайта қуриш давом эттирилди. 150 дан ортиқ янги хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

**Тўртинчидан.** Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бозор инфраструктурасини шакллантириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бозор ислоҳотлари натижасида ҳозирги пайтда халқ хўжалигида банд кишиларнинг ва ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг 70 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,5 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97,7 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди.

**Бешинчидан.** Ташқи иқтисодий фаолият сезиларли даражада фаоллашди. Ташқи савдо оборoти 9,3 миллиард доллардан ошди. Бу ўтган йил даражасидан 1,4 марта кўпдир. Ташқи иқтисодий фаолиятимиз жуғрофияси ҳам анча ўзгарди. Иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо оборoти 1,7 мартага кўпайиб, умумий ҳажмнинг 72 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга ўтган йили олдимизга қўйилган вазифаларни амалга оширишда жиддий хато ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилганини тан олиш лозим.

1996 йил қишлоқ хўжалиги учун оғир келди. Қишлоқдаги ислоҳотлар жуда суст ва кўп ҳолларда расмиятчилик йўлида амалга оширилмоқда. Яқинда бу масалалар махсус кенгашда кўриб чиқилди ҳамда бу вазиятга принципиал баҳо берилди. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам бундай камчиликлар мавжуд.

Пул қадрсизланиши даражаси қисқаришига қарамасдан, йил натижалари бўйича бу кўрсаткич кўзда тутилган тахминлардан юқори бўлди. Кўпгина корхона ва соҳаларнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда, айланма (оборот) маблағлари етишмаслиги сезилмоқда, ўзаро ҳисоб-китоб муаммоси ва тўловлар илгаригидай долзарб бўлиб турибди.

Корхоналарни акциялаштириш жараёни суст ва юзаки бормоқда, қимматли қоғозлар бозори ҳам яхши ривожланмаган, фонд бозори фаолиятида ҳам камчилик кўп. Корхоналарда мулк шакли ўзгарди, бироқ улар фаолиятида принципиал, сезиларли ўзгаришлар деярли юз бергани йўқ.

Бозор инфраструктурасини шакллантириш, банк, молия ва суғурта тизимларини қайта ташкил этиш, бу соҳаларда билимдон ва замонавий фикрлайдиган мутахассисларни тарбиялаш бўйича ҳали жуда кўп иш қилиниши керак.

*(Давоми 2-бетда).*

## АНДИЖОН — ОЛМАЛИҚ

***Вилоятимизда миллий автомобилларга қисмлар тайёрловчи яна бир корхона иш бошлади***

РЕСПУБЛИКА «Ўзсаноатфуқароқурилиш» корпорацияси Жанубий Кореянинг «Хонам Петрокемикал» корпорацияси билан ҳамкорликда Олмалиқ уй-жой қурилиши комбинати қошида янги «Ўз — Хонам Компани» қўшма корхонасини ишга туширди. Бу корхонада импорт ўрнини босувчи ва экспорт қилинувчи полимер материаллар билан бирга «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун пластмасса асбоблари ҳамда уларни безовчи қисмлар тайёрланади.

Шунингдек, келгусида бу ерда Республика саноатининг бошқа тармоқларига зарур бўлган полимер жиҳозлар ҳам ишлаб чиқарилади.

***Ф. ФАТТОҲОВ.***

## ШЕРИКЛАР ОЛМОНИЯДАН КЕЛИШДИ

КОРХОНАЛАРНИ қайта жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларга чет эл инвестициясини жалб этиш иқтисодий ислоҳотларимизнинг устувор йўналишларидан биридир.

Сўнгги йилларда Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати бу борада катта ишларни амалга ошира бошлади. Корхонада ҳозирги кунда республикамиз халқ хўжалиги учун зарур бўлган қатор маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда, реконструкция ишлари давом эттирилмоқда, янги технологиялар жорий этилмоқда.

Яқинда комбинатдаги ишларни янада ривожлантириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича Олмония билан олиб борилган музокаралар ўзининг самарасини берди. Олмония томони корхонани реконструкция қилиш, янги технологияларни жорий этиш учун 52 миллион дойч марк кредит ажратиш истагини билдирди.

***Ф. ФОЗИЛОВ.***

## ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

ХАЛҚ депутатлари Оққўрғон туман Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Нодир Бердиқулов вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи этиб тайинланганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди.

Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» корпорацияси раиси лавозимида ишлаб келган Абдуғани Деҳқонбоев Оққўрғон тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда вилоят ҳокими Эркин Рўзиев сўзга чиқди.

## КОДЕКС ЮЗАСИДАН САБОҚЛАР

***РЕСПУБЛИКАМИЗ ахолисини ижтимоий муҳофаза қилишга эътибор янада кучаймоқда. Ўтган йили қабул қилинган меҳнат кодекси ҳам шу мақсадга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир. Унда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш катта ўринни эгаллаган.***

Касаба уюшмаси ходими бу ҳужжатларни қанчалик яхши эгалласа, билимдон бўлса, меҳнаткашлар манфаатларини шунчалик яхши ҳимоя қила олади. Тошкент вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси шу мақсадда касаба уюшма фаолларининг уч кунлик ўқувини ташкил этди.

Унда республика деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Т. Ҳ. Собитов, Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг раиси М. М. Тўлаганова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳуқуқ бўлимининг мудири Ҳ. Р. Примқулов, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ислоҳотлар ва хусусийлаштириш бошқармаси бошлиғи П. Қосимбеков, Тошкент вилояти марказий банки бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. Й. Йўлдошев, бошқа масъул кишилар ҳозирги бозор муносабатлари шароитида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилишда касаба уюшмаларининг вазифалари, касаба уюшма қўмиталарининг банк билан ишлашни ташкил этиш тартиблари, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини иш билан банд этишда хўжалик ва касаба уюшма ташкилотларининг ҳамкорликдаги фаолиятлари йўналишлари каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Ўқувда қатор касаба уюшма ташкилотлари раислари ўзларининг иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Тингловчилар ўзларини қизиқтирган барча масалалар бўйича батафсил маслаҳатлар, жавоблар олишди.

***Будир ПЎЛАТОВ.***
***вилоят касаба уюшмалари Кенгаши матбуот шўъбаси бошлиғи.***

*ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙМИ?*

## ТЕКИНГА КЕЛМАГАН, АХИР!..

***Шу йилнинг 27 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, 1996 йил якунлари ва 1997 йилда бу борадаги устивор вазифалар муҳокама этилган эди. Жумладан, янги техника воситаларини яратиш, жойларда мавжуд қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги хусусида танқидий гаплар айтилди.***

РАҲБАР фақатгина иш бошқарувчигина эмас, балки ўз қўли остидаги хўжаликнинг ишчилари саломатлигию, ишлаб чиқариш ва техника воситалари учун ҳам масъулдир. Шунинг учун ҳам у раҳбар. Лекин, сўнгги вақтларда айрим бошлиқларнинг ўз ишига эътиборсизлиги, масъулиятсизлиги натижасида баъзи соҳаларда салбий ҳолатлар пайдо бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайиб кетди. Бунга қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтган йилда йўл қўйилган камчиликлар мисол бўла олади.

Жорий йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб, республикамиздаги мутасаддилар мавжуд камчиликларни таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Жумладан, яқинда республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда кўтарилган мавзунинг долзарблиги юртбошимиз кўрсатиб ўтган камчиликларни тезда бартараф этиш лозимлиги сўзимиз далилидир.

Ўтган 1996 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, етиштириш, йиғиб олиш ва давлатга топшириш мобайнида техника ва механизмлардан фойдаланишда, йўл қўйилган хато-камчиликларни такрорламаслик, жорий йилда улардан унумли фойдаланиш, баҳорги экиш мавсумига шай қилиб қўйиш бугунги куннинг асосий юмушлари эканлиги юртбошимиз маърузаларида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш йўлида ДАН ходимлари ҳам бир қанча ижобий ишларни амалга оширмоқдалар. Экиш мавсумига жалб қилинадиган техника воситалари, шу жумладан, таъмирлаш ишларида бевосита фойдаланиладиган ва кўмакчи техникалар ҳамда транспорт воситаларининг техник ҳолатлари ДАН томонидан жиддий кўрикдан ўтказилмоқда.

Шу кунгача бошқармамиз ходимлари 149 та трактор сақлаш саройларини текширувдан ўтказдилар. Натижада эътиборсиз, қаровсиз қолган тракторларни, йўл қўйилаётган қоидабузарликларни аниқлаш бўйича 565 та ҳолат қайд этилди. Жумладан, сақлаш учун яроқсиз жойда 29 та, уйда сақланаётган 198 та, техник жиҳатдан носоз бўлган 265 та, тўлиқ анжомларсиз 32 та, қаровсиз 2 та, ўз манфаати йўлида фойдаланилаётган 18 та, ёнғиндан хавфли бўлган 45 та қоидабузарлик аниқланди.

Хўжасизлик оқибатида йўл қўйилган камчиликлар бўйича 271 нафар ҳайдовчи ҳамда 20 нафар масъул раҳбар маъмурий жавобгарликка тортилди. Оқибатда мавжуд қоидабузарликлар учун улардан 51 минг 306 сўм миқдорда жарима ундирилди. Жумладан, Чиноз туманидаги «Йўлтушган» жамоа хўжалиги (раиси Б. Зуфаров), С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги (раиси Ж. Абдуназаров) трактор саройларидаги ачинарли ҳолатларга йўл қўйганликлари учун уларга нисбатан маъмурий далолатнома тузилди. Худди шундай аянчли аҳволни Ўртачирчиқ туманида ҳам учратдик. Тумандаги «Қайтмас» жамоа хўжалиги бош механиги Н. Давлатов, «Янги тўлқин» жамоа хўжалиги бош муҳандиси Х. Давронов, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан М. Бозоровларга жарима солинди.

Худди шундай, балки, бундан ҳам баттарроқ аҳволни Оҳангарон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат жамоа хўжалигида (раиси А. Канаев), «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамияти (раиси Ш. Умурзоқов), Алишер Навоий номли хўжалик (директори А. Бобохўжаев)да ҳам учратиш мумкин.

Яна бир гап. Чет элдан қимматбаҳо нархларда келтирилаётган тракторлар билан бир қаторда мавжуд техника воситаларини ҳам асраб-авайлашимиз лозим. Ҳадемай дала ишлари бошланиб кетади. Деҳқонларнинг оғирини енгил қилувчи техника воситалари иш унумдорлигини оширишда катта аҳамият касб этади. Шундай экан бор имкониятларни ишга солиб, фурсатдан оқилона фойдаланайлик.

***Дилмурод ШУКУРОВ,***
***вилоят ИИБ ДАНБ техника назорати бўлинмаси бошлиғи, милиция майори.***
***Баҳодир ЭГАМБЕРДИЕВ,***
***вилоят ИИБ ДАНБ тарғибот бўлими бошлиғи, милиция капитани.***

***СУРАТЛАРДА: Чиноз ва Оҳангарон тумани хўжаликларида қаровсиз ҳолда ташлаб қўйилган техникаларни кўриб турибсиз.***

## ЭНДИ ЧЕТГА ЧИҚИШМАЙДИ

***Қибрай туманидаги Ш. Рашидов номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиздаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади.***

Бирлашма шу пайтгача зотдор паррандаларни четдан харид қиларди. Бу анча қимматга тушарди. Ўтган йили Германиядан келтирилган жўжалар шароитимизга яхши мослаша олмади. Натижада корхона бироз зиён кўрди.

Паррандабоқарлар четдан жўжалар келтиришга чек қўйишга ахд қилишди. Бунинг учун бирлашма қошида зотдор паррандалар етиштирадиган алоҳида корхона ташкил этилди. Корхона инкубаторларида очирилган жўжалар тез вояга етади, 90 фоизи тухум беради. Бу бирлашма ишлаб чиқаришига ижобий таъсир қилди. Товуқбоқарлар ўтган йилни 13 миллион сўм соф даромад билан якунладилар.

Ҳозир бирлашма цехларида «Олатов» ҳамда «Заславский» зотли паррандалар парвариш қилинмоқда. Бу бирлашмада кунига 110 мингтага етказиб тухум олиш имконини бермоқда.

Паррандабоқарлар бу йил аҳоли дастурхонига 40 миллион дона тухум, 400 тонна парҳез гўшт етказиб беришни кўзлаб меҳнат қилишяпти.

***Шоюсуф МИРЮСУФЗОДА.***

## «НАВРЎЗ»НИ ЎЙИНГОҲДА КУТАДИЛАР

ҲОЗИРЧА, ўйингоҳда таъмирлаш ишлари кетяпти. Келес шаҳридаги Охунбобоев номли ўйингоҳни туман халқ таълими бўлими, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш корхонаси, «Ҳаёт» фирмаси, «Тикланиш» кичик корхонаси каби бир қанча ташкилотлар ҳомийликка олишган. Қурилиш ишларини эса тумандаги бинокорлик бирлашмалари амалга оширишмоқда. Ўйингоҳнинг томошабинлар ўтирадиган бир томонига соябон қурилди. Ўриндиқлар янгиланиб, ранг берилмоқда. Ўйингоҳ футбол мавсумигача тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Яқинлашиб келаётган «Наврўз» байрами тантаналарини Тошкент тумани аҳли ана шу замонавий ўйингоҳда нишонлайдилар.

***Тўлқин ИБРОҲИМОВ.***

# ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ – ИНСОН МАНФААТЛАРИ ОМИЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Республикада зарур ҳуқуқий база барпо этилган, бироқ ҳуқуқий меъёрлар ҳозирча суст амалга оширилмоқда. Шахсий ташаббусда тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам ташкилий иқтисодий шарт-шароитлар барпо этилган, бироқ бу ерда ҳам тўсиқлар жуда кўп. Ўрта ва кичик бизнес ҳам янада жиддийроқ қўллаб-қувватлашга муҳтож.

Кўпгина раҳбар ходимлар ва ўрта бўғин ходимлари онгида мустаҳкам ўрнашиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қолиплари ҳамон жуда мустаҳкам. Афсуски, бу одамларнинг кўпчилиги юз бераётган ўзгаришларни ғоят заиф идрок қилмоқда. Улар бу ўзгаришларнинг моҳиятини яхши англаб етмаяпти ва шу сабабли ислоҳотлар йўлига тўсиқ бўлмоқда.

Ҳали мулкдорлик туйғуси ҳам тўла қарор топгани йўқ. Мулкдорлик ҳуқуқи берилган кишилар ўзини мулкдор деб ҳисоблай олмаяпти, мулкка эгалик ҳуқуқларидан фойдалана олмаяпти. Ҳақиқий мулкдорлик туйғусидан маҳрум киши ўз ҳуқуқлари учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва пировард натижа учун кураша олмайди. Бу борада ҳуқуқий асос, ҳуқуқ ва суд органлари, адвокатура, суғурта ва аудит тизими ҳам заиф ишлаяпти. Бу эса бугунги кунда мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш, умуман ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган энг катта муаммодир.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳал этилмаган муаммолар мавжудлигига қарамай, 1996 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишига баҳо бериладиган бўлса, йилнинг асосий якунлари умуман бажарилган, деган хулосага келиш мумкин.

Мен бир гапни кўп такрорлаганман, ҳозир ҳам эътиборингизни шунга яна бир бор жалб этмоқчиман. Бу — ислоҳотлар жараёни изчил ва тўхтовсиз жараён эканидир. Биз амалга ошираётган ислоҳотларни қандайдир вақт доираси билан, муайян муддатлар билан чеклаб-чегаралаб бўлмайди. Барча ўзгаришларни босқичма-босқич, яъни тадрижий йўл билан амалга оширишимиз лозим.

Биз 1997 йилга айнан мана шу нуқтаи назардан, яъни Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ислоҳотлар йўлидан дадил боришидаги изчил босқич сифатида қарашимиз лозим.

1997 йилнинг энг муҳим, устувор вазифалари иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идораларо кенгашда, шу йил 27 январь куни ўтказилган қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган йиғилишда кенг муҳокама этилган эди.

Хўш, биз 1997 йилда эътиборни қандай вазифаларни бажаришга қаратишимиз, бунинг учун зарур бўлган барча ресурсларни сафарбар этишимиз керак? Биз учун нималар устувор бўлиши лозим?

Ўзбекистон аҳлига яхши маълумки, **1997 йил Инсон манфаатлари йили, деб белгиланган.** Бугунги кунда ҳар бир киши бу ғоя замирида қандай маъно мужассамлигини, бу билан биз ўз олдимизга қандай мақсад қўйганимизни яхши англаб олиши жуда муҳимдир. Нима учун бу масала бугунги кунда бундай улкан ва долзарб аҳамият касб этмоқда?

Мана шу масалаларга имкон бори қадар қисқача тўхталиб ўтишни истардим.

Биринчидан, 1997 йилни Инсон манфаатлари йили, деб белгилаганимиз, биз Ўзбекистонда бу муҳим масалани ҳал этишга эндигина киришяпмиз, деган фикр туғдирмаслиги лозим. Биз илгари ҳам, яъни бутун ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига катта аҳамият бериб келганмиз.

Бироқ чора-тадбирлар кўп ҳолларда тарқоқ бўлиб, уларга муайян, лекин айни замонда ўтиш даврининг ўткир ижтимоий масалаларини юмшатишга хизмат этувчи алоҳида вазифалар сифатида қаралган эди.

Бугун вазифалар мутлақо бошқа тарзда қўйилмоқда. Инсоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаш керак. Бу саъй-ҳаракатлар яхлит, умумлаштирилган тарзда олиб борилмоғи, бошқача айтганда, ҳар томонлама уйғун бўлмоғи лозим. Ушбу мақсадда барча имкониятларимиз, куч-ғайратимизни бирлаштиришга тўғри келади.

Иккинчидан, яна шуни таъкидлашни истардимки, бизнинг бу тадбирларимиз, 1997 йилда Инсон манфаатлари билан боғлиқ барча муаммоларни бир йўла ҳал қилиб ташлаймиз, деган маънони билдирмайди. Мазкур муаммолар ечимига юзаки қарамаслик керак. Енгил-елпи ёндашув муаммолар моҳияти ва аҳамиятини қадрсизлантиради ва пировард оқибатда амалий иш билан мустаҳкамланмаган қуруқ шиорбозликка олиб келади.

Инсон манфаатлари ҳимоясини таъминлаш — албатта, узоқ давом этадиган, мураккаб жараёндир. У соф ҳуқуқий, ижтимоий, ахлоқий муаммолар доирасига ҳам сиғмайди.

Бозор муносабатлари чуқур илдиз отган, умумжаҳон тизимлари билан ҳар томонлама интеграциялашган, иқтисодий бақувват, демократик давлатгина инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, муносиб турмуш шароитини яратиб бериши мумкин.

Шу билан бирга, сиёсий ислоҳотларни жадаллаштириш, жамиятимиз ҳаётида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, аввал кўп марта зикр этганимиздек, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

Учинчидан, яна бир бор таъкидлаш жоизки, инсон манфаатларини таъминлашни амалга ошириш — Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчил, олдиндан аниқ-равшан белгиланган мантиқий давомидир.

Бинобарин, 1997 йилни Инсон манфаатлари йили деганимизда биз, аввало, мустақиллик шароитида кечган беш ярим йиллик мураккаб ҳаётимизга яна бир бор кўз ташлаб, сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳалардаги ислоҳотларимизнинг илк натижаларини инсон манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолаш зарурлигини назарда тутамиз.

Ҳаётимизга, жамият қурилишига узвий равишда кириб келаётган ўзгаришлар, янгиликлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга, меҳнатни ташкил қилиш, инсоннинг турмуш шароитини яхшилашга қай даражада таъсир этаётганини биз аниқ-равшан тасаввур этмоғимиз зарур.

Эришган ютуқларимизни танқидий кўз билан баҳолар эканмиз, тан олишимиз керакки, биз ўтган йиллар мобайнида инсон манфаатларини ҳимоя қилишни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришга имкон берувчи зарур заминни, пойдевор, барқарор асоснигина ярата олдик. Бу борада биз ҳали, хусусан жорий йилда ҳам, жуда кўп иш қилишимиз лозим.

Бор саъй-ҳаракатимиз, амалий ишларимиз билан одамларни мунтазам ишонтириб бормоғимиз керакки, ислоҳотлар жараёнида фақат уларнинг ўзлари фаол иштирок этган тақдирда, белгиланган мақсадларга етиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси жонини жабборга бериб тер тўккан тақдирда, ислоҳотларни олға силжитиш, чуқурлаштириш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати манфаатдор давлат ва ижтимоий тизимлар билан инсон манфаатлари ҳимоясини амалга оширишнинг 1997 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқди. Мазкур Дастурда ечиш кўзда тутилган ўзаро боғлиқ муаммолар мажмуи қуйидагиларни ўз ичига олади:

— шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини амалга ошириш;

— инсон ҳуқуқи ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

— инсоннинг маданий, маънавий интеллектуал лаёқатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш.

Дастурда инсоннинг кўпқиррали манфаатларига жавоб берувчи тадбирлар белгиланган. Асосий гап дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг қурук гапга айланиб қолишига йўл қўймасликда.

Мазкур дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаро, ҳар бир шаҳри, ҳар бир қишлоғи ҳаётида ўз ифодасини топиши ўта муҳимдир.

Мазкур тадбирлар янги ташаббуслар туғилишига, янги имкониятлар очилишига олиб келиши, одамларимизга бунёдкорлик кайфияти бағишлаши билан ғоят муҳимдир.

Бугунги барча саъй-ҳаракатларимиз нафақат замондошларимиз, балки келажак авлодларимиз бахт-саодати учун ҳам хизмат қилишини одамлар ҳис этиши айниқса муҳим.

Мазкур дастурнинг мазмун-моҳияти бандма-банд, бобма-боб, барча тафсилотлари билан жойлардаги ижрочиларга етказилиши, унинг ижроси мунтазам назорат қилиб борилиши зарур.

Азиз ватандошлар!

Юқорида тилга олинган Дастур ва иқтисодимизни ислоҳ этишнинг умумий стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 1997 йилнинг энг долзарб масалалари — муаммолари нима, деб сўрашингиз табиий.

**Биринчи галдаги энг муҳим вазифа** — 1997 йилда макроиқтисодий барқарорлик, инфляция даражасини пасайтириш, миллий валютамизни мустаҳкамлаш соҳасида эришган ижобий силжишлар, ютуқларимизни мустаҳкамлаш.

Вазифаларимиз кўлами жуда катта — изчил иқтисодий ривожланишни таъминлашимиз, иқтисодий ўсишда барқарорликка эришишимиз, кредит эмиссиясини кескин қисқартиришимиз, сўмимизнинг харид қувватини оширишга мустаҳкам замин ҳозирлашимиз керак. Бир сўз билан айтганда, шундай бир иқтисодий шарт-шароит яратишимиз керакки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини кенг кўламда ислоҳ этишга эришайлик.

**1997 йилнинг яна бир муҳим вазифаси** — кичик ва хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришдан иборат.

Биз бу масалага аввал ҳам катта эътибор берганмиз. Талай ютуқларга ҳам эришдик. Хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий замин яратилди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам берувчи тизимлар — Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, «Мадад» суғурта идораси ташкил этилди, консалтинг, инженеринг ва лизинг фирма ва компаниялари, бизнес-инкубаторлар тармоғи вужудга келди.

Муҳими, кичик ва ўрта корхоналарнинг фаолияти воқеликка айланди. Биргина ўтган йилда республикада 34,5 минг янги хусусий кичик корхона ташкил этилиб, уларнинг умумий сони бугун 100 мингга яқинлашиб қолди. Бундан ташқари 19,5 мингдан зиёд деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этилди. Шуниси муҳимки, кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётнинг барча соҳаларида барпо қилинмоқда.

Аммо биз бугун олдимизда турган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, амалда вужудга келган вазиятга реал баҳо берган ҳолда, бу масалага яна бир бор қайтишимиз лозим. Стратегик режа борасида биз шундай вазифани қўямиз: кўпқиррали иқтисодиётни шакллантириш ва бунда хусусий мулк, кичик ва ўрта бизнесга биринчи даражали аҳамият бериш лозим.

Ўлкамизнинг ўзига хос хусусияти, меҳнат ресурсларининг ошиқчалиги, ривожланган қишлоқ хўжалиги ва хом ашё базаси, керак бўлса, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи кичик ва оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни янада фаол ривожлантиришни тақозо қилади.

Яна бир бор таъкидлаб айтаманки, биз бу масалага алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Мен нимани назарда тутмоқдаман?

Биринчидан, қонунчиликда бу борада кўзда тутилган рағбат ва имтиёзларнинг амалга оширилишини таъминлаш зарур. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларга барҳам бериш керак.

Биз хусусий тадбиркорликнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ва тартибларга ҳокимиятнинг жамики бўғинлари томонидан оғишмай амал этиладиган қатъий ва мажбурий муҳитни вужудга келтиришимиз шарт. Кимки бу ишга ҳалақит бераётган бўлса, тўрачилик, таъмагирлик, юлғичлик билан шуғулланаётган бўлса, шафқатсиз суръатда жазоланиши зарур. Расмиятчиликни ўзига қалқон қилиб олиб, амалда кичик бизнес тараққиётига тўғаноқ бўлаётган кимсаларнинг бахридан ўтиш керак. Биз кичик ва ўрта корхоналарнинг турли шаклларини тез ва кенг ривожланиши учун йўл очишимиз лозим.

Иккинчидан, ислоҳотларнинг бу муҳим йўналишини қўллаб-қувватлаш учун янги манбалар излаб топиш ва мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш зарур.

Хўш, бунда нима назарда тутилмоқда?

Бу аввало, ички манбаларни, банк кредитларини жалб қилиш демакдир. Шуни эътиборга олиш муҳимки, халқаро тузилмалар, хорижий компания ва жамғармалар, жумладан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Немис техник ҳамкорлик жамияти, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Ўрта Осиё-Америка жамғармаси ва бошқа ташкилотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун салмоқли кредитлар ажратиш ва тегишли хизматлар кўрсатишга тайёр эканликларини билдириб, бу борада амалий ҳаракатлар ҳам қилмоқдалар.

Умумлаштириб айтганда, халқаро ва хорижий миллий молиявий тузилмалар ва банклар томонидан шу мақсадда таклиф этилаётган кредитларнинг ҳажми бугунги кунда 350 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Бизнинг айни мақсадга йўналтириладиган ўз ички манбаларимиз бу ҳисобга кирмайди.

Шу ўринда мазкур маблағларни ўзлаштиришга бизнинг ўзимиз тайёрмизми, деган савол туғилади. Қани шундай одамлар, қани ўша мулк эгалари, қолаверса, қани зарур экспертизадан ўтган инвестиция лойиҳалари? Биз уларни амалга ошириш учун керакли маблағлар билан таъминлашга ва сарфланган маблағларнинг ўзини қоплашга эришмоғимиз лозим.

Учинчидан, биз моҳият эътибори билан кичик ва ўрта бизнес яқин келажакда ишлаб чиқариш таркибида, экспорт таркибида ҳаракатчан, тез ўзгариш қобилиятига эга бўлган тармоқ сифатида иқтисодиётда етакчи ўрин тутишига эришмоғимиз лозим.

Тўртинчидан, кичик ва ўрта корхоналар жўн, алмисоқдан қолган эски асосда эмас, балки сифатли ҳамда замонавий техник база негизида ташкил этилишига эришиш керак. Бозор инфратузилмасини махсус марказлар, лизинг компаниялари тармоғини ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Токи кенг ривожланган сервис хизмати йўлга қўйилмас экан — кичик ва ўрта бизнес ҳам бўлмайди. Бу борада бошқа йўл йўқ.

Бешинчидан, аҳолига ажратилган шахсий томорқаларнинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига жиддий эътибор бериш даркор. Биз томорқага ички бозорни маҳсулотлар билан, энг аввало, озиқ-овқат моллари билан тўлдиришнинг, аҳоли даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим манбаларидан бири бўлган кичик, оилавий бизнес шакли, деб қарашимиз керак.

Ўтган йиллар мобайнида бу борада кўп ишлар қилинди. Уларни санаб ўтирмасдан, шу даврда шахсий томорқа майдонларининг икки баробар ортганини айтиб ўтиши кифоя, деб ўйлайман.

Бугунги кунда улар 650 минг гектар суғориладиган ерни ташкил этади. Шунингдек, қорамолларнинг қарийб 80 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 65 фоизи, паррандаларнинг яқин 60 фоизи ана шу хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади.

Картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 69 фоизи, меваларнинг 55 фоизи, узумнинг учдан бир қисми шахсий томорқаларда етиштирилмоқда. Томорқанинг қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётимиз таркибида қандай ўрин тутишини изоҳлаш учун ана шу мисоллар етарли, деб ўйлайман.

Бироқ тан олишимиз керакки, сўнгги вақтда шахсий томорқа участкаларига эътибор сусайиб кетди. Бу аҳволни тубдан яхшилаш лозим. Шахсий томорқасида ишловчиларга амалий ёрдам бериш, уларни керакли анжомлар, ихчам техника воситалари, минерал ўғит ва емхашак билан таъминлашнинг қатъий тартибини ишлаб чиқиш даркор. Улар етиштирган маҳсулотларни сотиб олиш тизимини кескин ўзгартириш, амалда қайтадан яратиш зарур.

Бор масъулиятни ҳис этган ҳолда таъкидлайманки, давлатнинг ёрдамисиз нафақат шахсий томорқа, деҳқон (фермер) хўжаликлари, балки бутун кичик ва ўрта бизнес ҳам ривожлана олмайди. Давлат бунинг учун зарур маблағларни излаб топиши шарт. Албатта, бу борада аввало аҳоли, фермерларнинг ўз маблағлари ишга солиниши керак. Лекин давлат қўллаб-қувватламаса, кичик бизнеснинг оёққа туриб олиши қийин кечади.

Шуни диққат марказида тутишимиз лозимки, аҳолини, айниқса ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган қишлоқ жойлари ва худудларда иш билан таъминлашдек кескин муаммони фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама, кенг ривожлантириш ҳисобига ҳал эта оламиз.

**1997 йилдаги устувор вазифалардан яна бири** кредит-молия тизими фаолиятининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашдир.

Республикада молия, солиқ, банк тизимлари яратилди. Зарур қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Лекин, ана шу тизимлар бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадими, деган савол туғилади. Афсуслар бўлсинким, бу саволга ҳозирча «йўқ», яъни тўлиқ жавоб бермайди, дейишга мажбурмиз. Молия идоралари ходимлари онгида эскича бюджет психологияси ҳукмронлик қилмоқда, бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, зарар кўриб ишловчи корхона ва хўжаликлар сонини камайтириш, уларнинг самарали фаолият юритиши, айланма маблағларига эга бўлиши учун зарур шароит яратишга етарли эътибор берилмаяпти.

Молия ва солиқ тизимлари фаолиятида солиқларни нима қилиб бўлса ҳам ундиришдек бир томонлама ёндашув устунлик қилмоқда.

Албатта, бу нарса солиқлар тўла йиғилишини таъминлаш, даромадларни яшириб қолишга қарши курашиши шарт бўлган молия ва солиқ хизматларининг бевосита вазифаси эканини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин уларнинг вазифаси фақат шундан иборат эмас. Оддий бир ҳақиқатни тушуниб етиш керакки, солиққа тортилувчи объектларнинг мустаҳкам молиявий аҳволи билан жуда кўп нарса, биринчи навбатда, бутун иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва ана шу корхоналарда ишлаётган одамлар ва уларнинг оилалари даромади ва фаровонлиги узлуксиз боғликдир. Яъни содда қилиб айтганда, ишлаб чиқариш корхоналарининг аҳволи қай даражада мустаҳкам бўлса, иқтисодимиз ҳам бақувват бўлади. Барча ишни, унинг мақсади ва йўналишини ана шу ҳақиқатни инобатга олган ҳолда ташкил этиш лозим. Ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўйиш, ўзаро тўловларни вақтида амалга оширишга эришмоқ даркор.

Банк ҳисоб-китоби ва тўлов тизими замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайди. Тўрачилик, баъзида коррупция ҳоллари мавжуд, фоиз ставкаларининг юқорилиги сабабли тижорат банкларидан қарз, айниқса инвестиция кредитлари олиш ниҳоят даражада мушкул. Бунинг яна бир сабаби — кредит бозорида рақобатнинг йўқлигидир. Минг афсуски, банклар ҳали ҳам корхона ва тадбиркорликнинг ҳақиқий ҳамкори ва кўмакчиларига айлана олмадилар.

* * *

Эътиборингизни яна бир муаммога қаратишни истардим. Кўплаб корхона раҳбарлари ва тадбиркорларда ҳали ҳам молиявий натижаларга жиддий муносабат шакллангани йўқ.

Корхона раҳбарлари ва тадбиркорларнинг барчасида ҳам ўз фаолиятининг молиявий натижалари билан боғлиқ масъулият ҳисси шаклланган, деб бўлмайди. Йўқса, биз бугунгидай дебиторлик ва кредиторлик қарзларига ботиб қолмаган бўлардик.

Ўз-ўзимга, дебиторлик қарзи нима, бозор шароитида шу нарса бўлиши мумкинми, деб савол бераман.

Уни қайта-қайта, лекин оддийгина тушунтириш мумкин:

бир тарафдан — мен маҳсулотни жўнатдим, лекин ҳақини олмадим;

бошқа бир тарафдан — мен маҳсулотни олдим, лекин ҳақини тўламадим.

Нима қилиш керак, ким ҳақ, ким ноҳақ?

Айбдорлар ҳам, жавобгарликка тортилиши керак бўлганлар ҳам хўжакўрсинга шартнома тузган кишилардир. Шунинг учун ҳам у амал қилмай, қоғозда қолиб кетаверади. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, ўз маҳсулотига ҳақ ололмаслигини олдиндан била туриб, уни жўнатиб юборганлар айбдор.

Ва, учинчидан, бизга хўжаликлар олдиндан ҳақ олмасдан маҳсулот етказиб беришга мажбур, дейдиган, улар билан ҳисоб-китоб қилишни хаёлига ҳам келтирмайдиган боқибеғамлар жавобгарликка тортилиши керак.

Жиддий огоҳлантириб қўймоқчиман: агар кимки, корхона раҳбарими, район, шаҳар ёки вилоят марказий ва тижорат банкларининг тўловлар ва ҳисоб-китоб ишларини назорат қилиб юрган мутасадди раҳбарларми, шу масалага масъулиятсизлик ва лоқайдлик билан қараб, тузилган шартномаларни қўпол равишда бузиб, бажармасдан, кўлини қовуштириб ўтирганларни жиноий жавобгарликка тортиш керак. Бугун бу масала — муаммо билан кўп жиҳатдан ишчиларимизнинг ўз ҳаётида маош олиши, корхоналарнинг ўз келажагини кўриши чамбарчас боғлиқдир.

Кимки шу талабни бажармаса, нафақат корхона манфаатларига, балки шу корхонада ишлаётган одамларнинг ризқ-рўзига хиёнат деб билиш даркор.

Минг афсуски, маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин унинг бозорини билмасдан, аниқламасдан туриб иш бошлаётганларнинг сони кўп. Шунга ҳали-бери ақли етиб бормаганлари ҳам кам эмас. Бугунги кун тили билан айтганда, бозор маркетингини ўзлаштириш, доимо унинг шарт-шароитлари ва мавжуд чекловларини ўрганиб бориш зарур.

Маҳсулот етказиб берувчи ва уни сотиб олувчи корхоналар раҳбарларига бир савол бермоқчиман. Мабодо, сиз ўз даромад ва шахсий жамғармангиздан қарз бергудай бўлсангиз, унинг қайтарилиши ёки қайтарилмаслигини юз марта ўйлаб кўрмасмидингиз? Орангиздан бирор киши, қайтарилмаслигини олдиндан била туриб, бировга қарз беришига ишониш қийин.

Унда нега хўжаликлар фаолиятида бунга йўл қўйилмоқда? Чунки мулкка эгалик ҳисси шаклланган йўқ. Шу пайтгача хусусий корхоналар ҳам, ҳиссадорлик жамиятлари ҳам, уларнинг раҳбарлари ҳам, қолаверса, ҳиссадорлар кенгаши аъзолари ҳам ўзларининг мулкдор эканини ҳис қилгани ва англаб етгани йўқ.

Заиф суғурта тизими ҳам бозор муносабатлари тараққиётига ҳалал бермоқда. Биз 1997 йилда кучли суғурта тизимини яратишимиз ва бунинг учун тегишли хорижий структураларни жалб этишимиз лозим бўлади.

Яна бир муҳим масала: биз ишлаб чиқаришда яккаҳокимликка (монополизмга) барҳам бериш тизимини яратдик, яқинда «Товар бозорларида рақобатни қарор топтириш ва монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида» Қонун қабул қилдик. Тўғрисини айтганда, улар амал қилмаяпти. Барча соҳада, ҳатто хусусий тадбиркорликда ҳам монополистик тузилмалар илдиз отмоқда, бу эса бозор муносабатлари тараққиётига тўсқинлик қилмоқда.

Биз 1997 йилда ишлаб чиқаришда яккаҳокимликка чек қўйиш, фаолиятнинг барча соҳаларида муайян рақобат муҳитини яратиш йўлида муҳим тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

**Навбатдаги устувор вазифа** инвестицион фаолиятни кучайтириш ҳисобига иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар ўтказишдир.

Ўтган йилларда биз, маблағлар етишмовчилиги шароитида ҳам таркибий ўзгаришлар ўтказиш учун замин ҳозирлашга эришдик;

— маблағлар ишлаб чиқариш инфраструктурасини, транспорт ва телекоммуникация тизимларини ривожлантиришга сарфланди;

— халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотлар қурилиши бошланди;

— иқтисодиётга ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий тизим яратилди.

Таъкидлаб ўтганимдай, бу сезиларли натижалар берди: янги корхоналар ва янги соҳалар яратилди, янги товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, энг асосийси, сармоя жалб қилишга қизиқиш пайдо бўлди.

Бироқ ҳали олдимизда бутун иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни бошлаш вазифаси турибди. 1997 йилда ушбу стратегик вазифани бажаришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Биз 1997 йил учун инвестициялар дастурини қабул қилдик. Унда инвестицияларни кўп миқдорда, ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз ошиқ жалб этиш кўзда тутилган. Бизнинг вазифамиз бу инвестицияларнинг ишлашини, маълум инвестицион лойиҳаларга айланишини, маълум иншоотлар қурилишига сарф қилинишини таъминлашдан иборат.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини ишга тушириш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини, Шўртан газ ва кимё комплексини қайта таъмирлаш, магистраль газ қувурлари ётқизиш ҳисобига мамлакатимизнинг энергетика мустақиллиги мустаҳкамланибгина қолмасдан, экспорт қилишга мўлжалланган янги ишлаб чиқариш соҳалари ҳам яратилади.

Жадал суръатларда қурилаётган Қизилқум фосфорит заводи, Қўнғирот сода заводи, учта спирт заводининг ишга туширилиши, полиэтилен плёнка тайёрлайдиган ва чет эллик сармоядорлар иштирокида замонавий қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳамда бир қанча енгил ва озиқ-овқат саноати иншоотлари қурилиши республика иқтисодиётини, мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан биргаликда биз бугун ўз олдимизга, ўша машъум умумиттифоқ ихтисослашувига мувофиқ, республика ҳудудига жойлаштирилган, бироқ мавжуд ресурслар ва мамлакат эҳтиёжига боғлиқ бўлмаган корхоналар тўғрисида бир тўхтамга келиш вазифасини ҳам қўймоқчиман.

Умуман айтганда, ўз техник кўрсаткичларига, технологик имкониятларига кўра, рақобатбоп маҳсулот ишлаб чиқара олмайдиган корхоналар масаласини ечиш пайти келди.

Уларнинг аксарияти ҳамон оғир аҳволда, келгусида ҳам ўнгланиб кетиши даргумон. Бунга барҳам бериш керак. Бундай ишлаб чиқариш корхоналари рўйхатини тузиш лозим. Ё улар, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бугунги вазифаларига ва республика эҳтиёжларига мувофиқ, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўяди, ёки уларни келажаги йўқ корхона сифатида ёпиб ташлаш лозим.

Бу мураккаб масалани ечишни Бош вазир Ўткир Султонов бошчилигидаги комиссияга топшириш лозим.

Азиз дўстлар!

Мен оддий бир ҳақиқатни англаб олишингизни жуда-жуда истайман: кимки, қайси корхона ўзига чет эллардан шерик топмаган бўлса, унинг келажаги йўқ. Хўш, нега шундай?

Биринчидан, эски, алмисоқдан қолган ускуна ва технология билан рақобатбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин эмас. Бинобарин, ушбу муаммони ечиш учун чет эллик шерикларни, имкониятларни жалб этиш лозим.

Иккинчидан, ҳар бир корхона технологияни зарур замонавий талаблар даражасида сақлаш учун доимий равишда «қаттиқ» валютага эга бўлиши керак. Уни қаердан олса бўлади? Уни фақат ўз маҳсулотини экспорт қилиш эвазига ишлаб топиш мумкин. Шунга кўра, экспортни таъминлаш, кескин рақобат шароитида, ҳатто энг сифатли маҳсулотни сотиш учун ҳам маълум ва машҳур чет эл фирмаларидан шерик топиш зарур.

Билиб қўйингки, бу масалани ҳал қилмасдан туриб, товарга тўлиб-тошиб ётган жаҳон бозоридан жой ололмайсиз, чунки сизнинг молингизни, товарингизни ҳеч ким кутиб тургани йўқ.

Шунинг учун, чет эл сармояси иштирокидаги қўшма ишлаб чиқариш корхоналари тузишни ҳар томонлама рағбатлантириш баробарида, хусусийлаштирилган корхоналар акциялар пакетининг камида 25 фоизини чет эллик инвесторлар сотиб олишига ҳам эришиш керак. Токи харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналаримизнинг акциялари чет эллардаги фонд бозорларига ҳам дадил кириб борсин.

Бизнинг хусусийлаштириш борасидаги сиёсатимиз қуйидагича бўлиши зарур: жамоа ва давлат мулки бўлмиш акциялар пакети улар умумий қийматининг 50 фоиз атрофида бўлиб, келгусида аста-секин давлат улушини камайтириб бориб, эркин бозорда сотилишини ташкил қилишимиз даркор.

**1997 йилнинг устувор вазифаси** республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришдан иборат. Истиқболимиз равнақи маҳсулотларимиз экспортини кескин оширмасдан, корхоналар фаолиятини рақобатбоп товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, валюта ресурсларини кўпайтирмасдан ўз келажагимизни қуришимиз мумкин эмас.

Экспорт потенциалимизни кескин оширишимизга имконият борми? Жавоб битта — бор.

Бу мақсадларга етишиш учун анъанавий хом ашё ва ярим тайёр моллар — пахта ва пахта маҳсулотлари, рангли металлар, минерал ўғит ва бошқа моллар экспортини кенгайтириш катта аҳамият касб этади. Биз ҳам ўзимизнинг улкан бойлигимизни жаҳон бозорида сотишни ўрганишимиз керак.

Шу билан бирга мамлакатимиз экспорт имкониятларини кескин оширишнинг муҳим омилларидан бири ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштириш ва четга тайёр маҳсулот чиқаришдан иборат бўлиши керак. Бизнинг бўш, анчайин заиф томонимиз ишлаб чиқаришда тугалланмаган технологик жараёнлар кўплигида. Бизнинг улкан имкониятларимиз ана шу жойда кўзга кўринмай ётибди.

Исталган соҳанинг «Ўзозиқовқатсаноат», «Ўзэлтехсаноат», «Ўзкимёсаноат», «Ўзенгилсаноат», қурилиш материаллари саноати имкониятларига бир назар солинг, улар жуда катта салоҳиятга эга эканини кўрасиз. Масалан, мувофиқ технологияни жорий этиш билан табиий газдан бир қанча турдаги полимер материаллар (полиэтилен, поливинхлорид ва ҳоказо), нитрил-акрил кислотаси, нитрон толаси ва бошқа бозори чаққон маҳсулотлар олиш мумкин. Ёки капролактамдан полиамид-6, нитрондан янги маҳсулотлар олиниши, бугун миллион тонналаб бекор ётган каолин қазилмаларини олиб кўрайлик... Кўп сармоя сарфламасдан, янги технологияни амалиётга татбиқ этиш, технологик циклни ниҳоясига етказиб, катта самара олиш мумкин бўлган мисолларни бошқа соҳалардан ҳам топса бўлади.

Модомики, мана шундай кучли базага эга эканмиз, биз экспорт салоҳиятимизни мустаҳкамлаш муаммосини бартараф этишга жиддий киришишимиз керак. Шу маънода экспортни рағбатлантириш тадбирлари кўзда тутилган Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш махсус давлат программасини ишлаб чиқиш зарур.

Экспортни ривожлантиришда катта натижаларга эришганларни ҳар йили миллий мукофотлар билан тақдирлашни мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Экспорт-импорт суғурта компаниясини ташкил этиш билан четга мол чиқарадиган хўжалик субъектларини ҳимоя ва суғурта қилишнинг амалий механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарур.

**Яна бир муҳим, устувор масала.** 1997 йилда биз яхши, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди, профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, маъмур-менежерларни тайёрлашни йўлга қўйиш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қобил ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

Биз бугун шунга тайёрмизми? Бунинг учун зарур куч ва ресурсларимиз борми?

Мана шу минбардан туриб, қатъий айтаманки, ҳа Ўзбекистон ана шундай куч-қувват ва зарур ресурсларга эга.

Бизда умумий ўрта таълим тизими мавжуд, ўқув муассасалари маълум моддий базага эга, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари тармоғи кенг, кўп мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Шуниси қувончлики, ўрта мактаб ва ўқув муассасалари битирувчиларининг умумтаълим ва профессионал-билим даражаси юқори. Нафақат шаҳар, балки қишлоқ

**2 март — Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлган кун**

# ТЕНГЛАР ОРАСИДА ТЕНГ

***ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ — БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛГАНИГА БЕШ ЙИЛ ТЎЛАДИ.***

«Қизил империя»нинг нураши оқибатида биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини қўлга киритган республикамиз қисқа давр ичида жаҳондаги энг йирик мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, нуфузли маҳкамаларнинг обрў-эътиборини қозонди. Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилган ички ва ташқи сиёсатимиз ҳамманинг эътиборини тортди. Давлатчилигимиз тизимида қўлланилган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ислоҳотлар жаҳон майдонида ижобий жараёнлар сифатида тан олинди. Шу боис 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо этиб қабул қилинди. Ўша кундан бошлаб, БМТ Бош Ассамблеяси биноси олдида давлатимиз рамзи — Ўзбекистон байроғи хилпирай бошлади. Эндиликда бизнинг республикамиз жаҳон давлатлари орасида тенг ҳуқуқли суверен мамлакат сифатида ўз овозига эга бўлган эди.

БМТ билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар тезда ривожланиш йўлига кирди. 1993 йилнинг 28 сентябрида Президент Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўз чиқишида илгари сурган фикр ва мушоҳадалар ҳамманинг диққат марказида бўлди. Унинг БМТ хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича анжуманик чақириш, БМТ Хавфсизлик кенгаши ҳузурида ер курраси диққатини тинчлик ва барқарорлик масалаларига қаратиш, Марказий Осиёни ядросиз ҳудуд деб эълон этиш, терроризмга, гиёҳвандликка қарши биргаликда курашиш сингари муаммоларга таллуқли ташаббус ва таклифлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Сўнгги йилларда Тошкент Ўзбекистон пойтахти сифатида БМТ хомийлигида ўтказилган қатор тадбир ва анжуманларнинг марказига айланди. Тожикистонга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, Афғонистондаги вазиятни тинчлик ва музокаралар йўли билан ҳал этиш, бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини байрам қилиш, Орол денгизи, Марказий Осиё хавфсизлиги ва ҳамкорлиги, инсон ҳуқуқлари каби умумбашарий масалаларга бағишланган ўнлаб семинар-кенгашлар бўлиб ўтди.

1995 йил октябрида БМТ ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида Президент Ислом Каримов ҳам нутқ сўзлади. У юксак минбардан яна бир бор жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларга, жумладан, Афғонистондаги зиддиятлар ва Тожикистондаги вазиятга қаратди. Халқаро низоли масалаларни тинч йўл билан бартараф этиш кераклигини айтди. НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг Ўзбекистон томонидан имзоланиши бунинг ёрқин далили эди. Республикамиз томонидан БМТнинг ядровий ва кимёвий ялпи қирғин қуролларини йўлдан чиқариш ва қўллашни таъқиқлаш ҳамда уларни батамом йўқотиш тўғрисидаги ҳужжатларини имзолаганлиги ҳам олам наздида катта аҳамият касб этди.

Муҳтасар қилиб шуни айтиш мумкинки, ўтган беш йиллик қисқа фурсат мобайнида Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли ва ишончли аъзосига айланди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳияти мўътабар ушбу халқаро ташкилот томонидан қадрланаётганлиги мамлакатимизда ўтказилаётган оқилона ташқи ва ички сиёсатнинг мантиқий ғалабасидир. Зотан, истиқлол ва истиқболга доир «Ўзбекистон модули» БМТнинг

# ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

● 24 ФЕВРАЛЬ куни Тошкентда «Оммавий ахборот воситалари ва миллий тараққиёт» мавзусида бошланган халқаро семинар ниҳоясига етди. Унда ЮНЕСКО, халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари, Малайзия халқаро ахборот воситаларини тадқиқ қилиш маркази мутахассислари, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарлари, олимлар, журналистлар иштирок этдилар.

● ЖАҲОН банкининг Тошкентдаги доимий ваколатхонаси раҳбари Хассо Молинеус Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришига ижобий баҳо берди. У жаҳон банки республикамиз учун умумий ҳажми 252 миллион АҚШ долларига тенг келадиган бир неча лойиҳа тайёрлаб қўйилганлигини маълум қилди.

● ЎЗБЕКИСТОН маданият ишлари вазирлигига қарашли «Қадрият» таъмирлаш бирлашмасининг халқ амалий санъати вакилларидан иборат бир гуруҳ усталар Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси биносини таъмирлаш ва безаш ишларини давом эттирмоқдалар.

● ТОШКЕНТДА жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти Оврупа бюроси ва Би-Би-Си умумжаҳон хизмати вакиллари иштирокида бизнинг республикамизда истиқболли тиббий дастурларни ишлаб чиқиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар бўлиб ўтмоқда. Уларда кўтарилаётган нуқтаи назарлар дунёвий аҳамиятга эга бўлган «Соғлом турмуш тарзи учун» лойиҳасига дахлдор бўлади.

## Воқеалар тўлқинида

● МОЛДОВА президенти Петр Лучинский Москвага ташриф буюрди. У Россия раҳбарияти билан Днестр бўйидаги Россиянинг 16-армияси қўшинларини олиб чиқиб кетиш ҳамда бошқа иқтисодий масалаларни муҳокама қилди.

● ЧЕХИЯ президенти Вацлав Гавел бир неча кун бурун даволаниш учун Белгиянинг Спа шаҳридаги дам олиш манзилгоҳларидан бирига келди. Унга рафиқаси Дагмар хоним ҳамроҳлик қилмоқда.

● БОЛГАРИЯНИНГ Жануби-Ғарбидаги Петрич шаҳрида жуда кўп сонли шаҳар аҳолиси нон дўконларидан бирига ёпирилиб, уни «шилиб» кетди. Бунинг сабаби — нон ва нон маҳсулотларининг танқислиги бўлди. Шу боис муваққат ҳукумат даҳлсиз захирадан оч қолганларга 80 тонна ғалла ажратиш имкониятларини қидира бошлади.

● ҚИЗИЛ денгизда сузиб кетаётган Эритреяга қарашли юк кемаси чўкиб кетди. Кема Саудия Арабистонига йўл олаётган эди. Ҳалокат юз берган жойга етиб келган қутқарувчилар 95 йўловчидан фақат 6 кишинигина қутқариб қолишга улгурдилар.

## АЛВИДО, «ДОҲИЙ!»

ДУШАНБА куни кўп миллионли Хитой халқи Мао Цзендундан кейинги ўзларининг «энг катта доҳийлари» Дэн Сяопин билан видолашди. Ўтган ҳафта ўрталарида вафот этганидан сўнг ХХРда ўрнатилган кейинги йиллардаги тузум меъморининг жасади хайрлашув учун Тянь Аньмэнь майдонига яқин бўлган ҳарбий шифохоналардан бирининг улкан саройига қўйилди. Сўнгги йўлга кузатув куни бу ерга мамлакатнинг олий мартабали барча раҳбарлари келдилар. Партия ва давлат арбоблари кийимларига оқ гуллар, енгларига қора тасмалар боғлаган ҳолда марҳум ёнига яқинлашдилар. Улар кўз ёшлари тўкиб, ўз «пир»ларига таъзим бажо келтирдилар.

Шундан сўнг Пекин ғарбидаги Баобаошан қабристонида 15 дақиқалик жасадни куйдириш маросими бўлиб ўтди. Шифохона билан қабристон оралиғидаги масофа одамлар билан жуда гавжум бўлди. Ден Сяопиннинг ХХР давлат байроғи ёпилган ҳоки пойтахт марказидаги истиқомат қилган уйига элтилди. У ерда марҳумнинг оила аъзолари падари-бузрукворлари билан хайр-хўшлашдилар.

Буюк ислоҳотчи вафот этганидан сўнг ўз ҳокини денгизлар устига тарқатиб юборишликни васият қилган эди. Унинг охирги илтижоси адо этилди. Ҳок об-ҳаётнинг битмас-туганмас манбаи бўлган Гонконг кенгликлари узра сочиб юборилди. Бунинг маъноси шуки, Дэн Сяопин руҳи бутун Хитой осмонида кезиб юради ва абадул-абад ўз юртдошлари билан бирга бўлади.

## НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

Маълумки, унинг қотили Игал Амир умрбодлик қамоқда ўтирибди. Лекин, яқинда давлат прокурори Эдна Арбель И. Амирнинг маъшуқаси, 22 яшар Маргалит Харшефини қотилликка даҳлдор деб айблади. У тайёрланаётган фитнага бевосита аралашиб, И. Амирга ёрдам берган экан.

● ТАТАРИСТОН пойтахти Қозонда жойлашган «Алмаржоний» жомеъ-масжидида Қуръонул-Каримни ёддан тиловат қилиш бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда МДҲ давлатларидан келган 100 га яқин 6 ёшдан 25 гача бўлган қорилар иштирок этдилар. Унда Муҳаммадия мадрасасининг толиби, қозонлик Ниёз Галиев ғолиб деб топилди. Ниёз Маккатуллога текин ҳаж қилиш йўлланмаси билан мукофотланди.

● ИТАЛИЯНИНГ Бари шаҳридаги Сиваф саройида Миср фиравни Рамзес — II нинг 60 нафар аёли ичидаги энг севимли рафиқаси Нифертари ҳаётига бағишланган кўргазма очилди. У «Нифертари — Миср нури» шиори остида ўтмоқда. Зеро, Нифертари дегани «Гўзаллар гўзали» деган маънони англатади.

● АНГЛИЯНИНГ Манчестер шаҳридаги Патерсон олийгоҳининг олимлари кўп йиллик изланиш натижасида ёйсимон лампа яратдилар. Дастлабки тадқиқотлар мазкур лампадан берилган нур рак касалини йўқотишда ўта нафли эканлигини кўрсатди. Олинган хулосалар хорижлик мутахассислар томонидан тасдиқлангач, мазкур лампалар оммавий равишда қўлланишга тавсия этилади.

*(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).*

# Ойнаи жаҳонда кўринг

## ДУШАНБА, 3

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Санъат гунчалари».
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Инсон қалбига йўл».
9.15 «Марсия». Бадиий фильм. 3-серия (Италия).
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари». Публицистик кўрсатув.
10.30 «Рикки-Тикки-Тави». Республика кўғирчоқ театрининг спектакли.
11.20 «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм.
12.40 «Илм — ўзликни билмақдир».
13.10 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.40 «Мен туғилган тупроқ».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.50 «Фитрат ва саҳна санъати».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.30 «Ташаббус». Тадбиркорлар кўрик-танлови.
18.50 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамбллларининг «Зилол» телефестивали.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Спорт қитъаси».
21.30 «Акс».
21.50 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
22.10 Кундалик.
22.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 «Кинонигоҳ».
00.10 — 00.20 Кундалик.

**III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 «Типратикан, кучукча ва Нико исмли бола». Мультфильм.
18.10 Эълонлар.
*
7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 7-серия.
22.30 «Сумалак». Телефильм.
*
22.50 — 23.10 Россия давлат телевидениеси.
*
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.20 Янгиликлар.

**IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви.
19.15 «Америкага назар».
19.45 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Ўйингоҳ плюс оила».
21.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 «Истеъдодлар ва мухлислар».
22.25 Эълонлар.
22.30 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.20 ТВ IV да «Немис тўлқини».
23.45 «Жиллет-спорт».
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

## ЧОРШАНБА, 5

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Меҳримиз сизга». Ғанижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нафосатга бахшида умр».
9.15 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фермер». Тележурнал.

**Ўқув кўрсатувлари:**

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Бола бошидан...»
11.30 «Ассалом, япон тили».
*
12.00 «Курьер». Бадиий фильм.
13.30 Самбо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.20 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Ўлмас Умарбеков, Фарҳод Олимов. «Фотима ва Зуҳра». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бир хўтикча яшаган экан». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
18.25 «Дилнавоз садолар».
18.35 «Замон билан ҳамнафас».
18.45 «Тасаввур олами». Ўзбекистон халқ расоми Ж. Умарбеков.
19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамбллларининг «Зилол» телефестивали.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Назар». Публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.40 «Талқин. ХХ аср».
22.10 «Автоолам».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

**II**

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.05 «Зерикмай десангиз».
19.15 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 «Зерикмай десангиз».
22.40 «Спорт қитъаси».
22.55 Кундалик.
23.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.25 «Санта-Барбара», Телевизион бадиий фильм.
00.15 — 00.25 Кундалик.

**III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 «Дархон». Телефильм.
18.10 Эълонлар.
*
7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 8-серия.
22.30 «Шохсупа сари йўл».
*
22.55 — 23.20 Россия давлат телевидениеси.
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.

**IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Бизнен мирас».
19.30 «Дунё ва болалар».
19.50 «Тошкентнома».
20.20 «Мусиқий мехмонхона».
20.50 «Кафолат».
21.10 «Мезон».
21.35 «Ер курраси».
21.55 Эълонлар.
22.00 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.50 Эълонлар.
22.55 «Экстремал ўйинлар».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

## ПАЙШАНБА, 6

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Лирик концерт.
8.55 Иқтисодиёт чорраҳаларида.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қашф этилаётган имкониятлар».

**Ўқув кўрсатувлари:**

10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 География.
*
12.00 Тўлқин. «Қайнар ҳумча». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
13.00 «Муқаддас манзил». Публицистик кўрсатув.
13.25 «Уч қурбақа». Мультфильм.
13.35 «Туркистон — умумий уйимиз».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 «Темир хотин». Бадиий фильм. 1-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Билиб қўйган яхши».
18.45 «Катта танаффус».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Марказ ва минтақалар».
21.30 «Дилнавоз садолар».
21.45 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
22.00 «Одамлар орасида».
22.20 «Одобнома».
22.30 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 13 ва 14-қисмлар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

**II**

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Қалбимда Ўзбекистон».
9.40 «Оловуддин-97». Киноконцерт.
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Олтин кент».
10.35 «Акс».
10.55 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
11.15 «Зерикмай десангиз».
11.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
11.45 «Дунё бўйлаб».
12.35 — 14.15 «Кинонигоҳ».
* * *
18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам».
18.35 «Нафис мажлислар».
18.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.15 Оҳанглар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Якинроқ тур».
21.30 «7 дан 70 гача». Қизиқарли дастур.
21.50 Кундалик.
21.55 «Сеҳргар». Кўрсатув ва эълонлар.
22.15 «Кинонигоҳ».
23.55 «Спорт қитъаси».
00.10 — 00.20 Кундалик.

**III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Болалар учун фильм. «Димканинг хўрози».
18.10 Эълонлар.
*
7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 9-серия.
22.25 ЎзТВ фондидан. «Шарқнинг етти гўзали». Мусиқий фильм.
*
22.50 — 23.15 Россия давлат телевидениеси.
*
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.

**IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 «Айчурек».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Болалар учун мультфильм.
21.15 «02» тўлқинида.
21.30 «Инспектор Фрост». Телесериал.
22.20 «Интер-спорт».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Эллада».
23.05 «Каталог».
23.20 «Салом, масленица!».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

## ЖУМА, 7

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Кекса санъаткорлар қўйлайдилар.
8.45 «Юзма-юз».
9.05 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 13 ва 14-қисмлар.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Аёл — олам сарвари». Телеочерк.

**Ўқув кўрсатувлари:**

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
12.00 «Яшнаб келди гулбаҳор».
12.30 «Халқ ижодиёти».
13.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
13.30 «Саҳна ҳаёти». «Наврўз-97» театр санъати фестивалининг якунлари.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 «Темир хотин». Бадиий фильм. 2-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сизга аталган кун». Болалар учун концерт.
18.30 Бизнес ҳафта якунлари.
18.45 «Эртага — шанба».
19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамбллларининг «Зилол» телефестивали.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мутолаа».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг I конференцияси.
21.30 Тошкент. «Туркистон» саройи. Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва санъат усталари ҳамда ёш ижрочилар концерти.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 Эълонлар.
23.35 «Ахборот».
24.00 «Ривоят».
00.10 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

**II**

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Кўзмунчоқ».
9.40 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
10.10 «Жозиба»
10.20 «Олтин кент».
10.35 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
11.00 Видео — «О».
12.40 — 13.10 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 Телевидение ва театр.
19.00 «Аралаш-қуралаш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мусиқали гулдаста».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.50 «Ханда дўкони».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Кинонигоҳ».
00.10 — 00.20 Кундалик.

**III**

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Жунгар тритонлари». Телефильм.
18.15 Эълонлар.
*
7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 10-серия.
22.25 «Мусиқа ҳамма учун».
*
22.50 — 23.15 Россия давлат телевидениеси.
*
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.

**IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Байрам табриги.
18.55 «Мультқарусель».
19.10 Байрам табриги.
19.15 «Умид чечаклари».
19.45 «Маънавият ва Ислом».
20.15 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.05 Байрам табриги.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Ноёб асарларни овлаб». Телесериал (Италия).
22.05 «Сирдошим».
22.35 Байрам табриги.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Жума куни, ишдан сўнг».
23.25 «Латофат».
23.40 «Бу бўстон аро...»
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

## ШАНБА, 8

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Содиқ дўстлар». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Тошкент. «Туркистон» саройи. Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
11.00 «Катта танаффус». Байрам сони.
11.40 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
12.10 «Онажоним — жонажоним». Кичкинтойларнинг байрам дастури.
12.40 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Абдулла Қодирий. «Мехробдан чаён». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
15.00 Спортимиз маликалари.

**«Ёшлик» студияси намойиш этади:**

15.20 «Мен ёшликман».
15.50 «Ватанпарвар».
16.10 «Ғазалхон — ёшлигим».
16.30 «Сеними, шошмай тур!». Мультфильм.
16.50 «Маънавият» видеоканали.
*
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Совға».
18.10 «Ранглар жилоси».
18.20 «Меҳр қўлар...»
18.40 «Санъатимиз онаҳонлари». Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган мусиқий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Таъзим».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайрат».
21.20 «Нозик». Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам базми.
22.30 «Азиз сиймолар».

**«Тунги ёғду»**
**Дам олиш дастури:**

23.00 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.20 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Дил». Бадиий фильм. 1—2-сериялар (Ҳиндистон).
01.50 «Менинг дилбар маликам». Поль Мориа оркестрининг концерти.

**II**

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 Телевидение ва театр.
9.45 «Аралаш-қуралаш».
10.10 «Мусиқали гулдаста».
10.40 «Ханда дўкони.
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40 — 13.10 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Сен бир бахтли аёл бўласан». Клип.
18.05 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.40 Эълонлар.
18.45 «Айёмингиз муборак!» Табрик.
18.50 «Шараф тожи». Киноконцерт.
19.10 «Дубляж». Махсус сони.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Айёмингиз муборак!». Табрик.
20.00 «Дармон».
20.15 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
21.25 Оҳанглар ва эълонлар.
21.40 Видео — «О». «Уйимдаги бегона» (Миср).
23.30 «Айёмингиз муборак!» Табрик.
23.35 Киноҳазил.
23.50 «Спорт қитъаси».
00.10 — 00.20 «Сен бир бахтли аёл бўласан». Клип.

**III**

18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.20 — 23.50 Россия жамоат телевидениеси.
*
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.05 «Бешик тўй». Телефильм.

**IV**

9.00 Аэробика.
9.20 Кинонинг олтин асри. «Мистер Питкин душман ортида». Бадиий фильм.
10.45 «Кор маликаси». Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг спектакли.
11.35 «Рақслар қанотида».
12.05 «Комедиантлар».
12.25 «Тақдирлар».
12.55 «Шанба эртаги».
13.55 Эълонлар.
14.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
14.50 — 15.10 Корейс тилини ўрганамиз.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Чинсэн».
19.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.35 «Олам ва одам».
21.00 «Болалар дейишади...»
21.05 «5 дақиқа ўзинг учун».
21.10 «Спектаклдан сўнг».
21.35 «Болалар дейишади...»
21.40 «Ассалом, Франция».
22.10 «Эсдалик учун дастхат».
22.40 «Болалар дейишади...»
22.45 Кинонинг олтин асри. «Янги амазонкалар». Бадиий фильм (Польша).
00.25 «Жиллет-спорт».
00.55 «Бу ажиб дунё».
01.10 Эълонлар.
01.15 — 01.25 «Хайрли тун!».

## ЯКШАНБА, 9

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
11.40 «Ўзбекистон спорти».
12.00 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 27-кўй.
12.40 «Цирк! Цирк! Цирк!»
13.10 «Спортландия» чорлайди. Ўзбекистон — Белорусия.
14.00 «Қайнона». Бадиий фильм.
15.15 — 16.15 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Катта танаффус» янгиликлари.
18.20 «Марсия». Бадиий фильм. 4-серия (Италия).
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Соғинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Илҳом сатрлари.
20.05 «Эгиз қушиқлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Минбар».
21.15 «Мусиқа салтанати».
21.35 «Шахс ва бахс».
22.00 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 28-кўй.
22.40 Футбол олами.
23.10 «Келгуси ҳафтада».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Тунги сеанс. «Онтарио соҳилида бўлган воқеа». Бадиий фильм.
01.35 Тунги тароналар.
01.45 — 01.55 «Ватан тимсоллари».

**II**

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 Мульти-пульти.
9.45 «Болажон» экрани.
11.25 «Дунё кўриб дунё ярат».
11.40 «Дилором наволар».
11.50 «Унутилмас тасмалар».
13.20 «Эҳтиром».
13.45 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
13.55 «Мафтункор чеҳралар».
14.20 Видео — «О».
16.00 Кундузги дастур ниҳояси.
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ниҳол».
18.30 Мульти-пульти.
19.00 «Таманно».
19.10 «Табиат шифохонаси».
19.20 «Имло».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мухлис ТВ-2».
20.15 «Дилором наволар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Унутилмас тасмалар».
22.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 Видео — «О».
00.15 «Даракчи».
00.25 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
00.35 Дастур ниҳояси.

**III**

18.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.10 — 21.50 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.50 Эълонлар.
21.55 «Бургут бошли бардошли қуш». Телесериал. 3 — 4-сериялар.
23.15 — 23.40 «Панорама».

**IV**

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Парле ву франсе?».
11.50 Киносалон. «Етти». Бадиий фильм.
13.50 «Подиум».
14.10 «Иштирок этувчилар».
14.40 Эълонлар.
14.45 «Сенинг вақтинг».
15.15 «Афсоналар ва ҳақиқат».
15.55 «Телеташриф».
16.10 Кундузги сеанс. «Марко Поло».

## МИТТИ ЁҚУТЧАЛАР



### ХИЁНАТ

УЗОҚ ўтган замонда, Жамшид ҳукмронлиги даврида, Зайд деган моҳир заргар бўлган экан. У, айни пайтда, ҳоқоннинг хазинадори ҳам эди. Аммо, у кўпинча ҳукмдорга хиёнат қиларди. Бир куни у, хоқон учун олтиндан тахт ясади, тахтнинг тўрт тарафида эса тўртта тўти Хумо каби ҳукмдор бошига соя солиб турар эди. Хоқон бундан мамнун бўлиб, Зайднинг мартабасини янада баланд кўтарди. Бироқ, Зайд бу тахт учун ажратилган олтинни кумуш билан алмаштириб қўйган эди. Буни билган одамлар икки тўтига «тахт рўкашдир, мусаннифи ғашдир» (тахт қалбакидир) деган гапни ўргатдилар. Жамшид тўтилардан бу гапни эшитиб, Зайднинг хиёнат қилганини англади. Уни зиндонга солиб, бор мол-мулкини тортиб олди. Зайд ўзи билан яширинча ханжар билан эгов ҳам олган эди. Унга ҳар куни фақат нон ва сув бериларди. У сувдан фойдаланиб лой қорди, зина ясаб, чуқурнинг бошига етди. Сўнгра тошни ханжар билан йўниб, бир тешик ясади ва чоҳдан чиқиб қочди...

**БАЙТ:**

*Улки, зарар шевасини тавр этар,*
*Элга демаким, ўзига жавр этар!*

ДОНО СЎЗИ: Кувват ва тоқатингиз етмаган ишга киришиб ўзингизга заҳмат ҳамда машаққат орттирманг. Ўзингизга ва бошқаларга манфаат етказмайдиган иш билан машғул бўлиб, умрингизни зое ўтказманг!

### ХАТ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, Зайд Қунстантиния шаҳрига келиб, мақом тутди. У ерда жуда кўп олтин безаклар билан ясатилган бутхона бор эди. У будпарастликни қабул қилиб, кечаю-кундуз ибодат билан машғул бўлди ва элни ўзига шайдо қилди. Ниҳоят, у шу бутхонага бош бўлиб, бутун калитларни қўлга киритди. Кейин дарё бўйидан бир ғорни топиб, у ерга бутхонадаги олтинларни келтирди. Уларнинг ўрнига ўзи моҳирлик билан ясаган темир бутларни қўйди. Сўнг куфр халқига онамнинг вафоти ҳақида хабар келди, менга катта мерос қолибди, бориб олайин, деб ўз ватанига жўнамоқчи бўлди. Куфр аҳли унга кўп совға-саломлар йиғиб топширди. Кетиш олдидан у, фалон жойда бир хат қолдирдим, топиб ўқинг, деди. Куфр аҳли уни кузатгач, келиб ўша хатни топдилар. Хатда Зайд ўзининг барча олтин бутларни ясамалари билан алмаштирганини ёзган эди...

**БАЙТ:**

*Агар нафъдин бўлса маҳзан*
*йироқ,*
*Анинг лаълидин хора*
*кўп яхшироқ!*

ДОНО СЎЗИ: Гўзал тадбир ишлатиб, душманни дўст этиш, нодон ва жоҳил одамни таълим-тарбия қилиб, донолар даврасига, бадахлоқ фосиқларни панд-насиҳат билан ислоҳ этиб, яхшилар қаторига қўшиш — энг афзал амаллардан саналади!

### ГУНОҲКОР

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, Зайднинг кемаси Рум соҳилига келиб, қарор топди. Жамшид оғир касалга чалинган эди. У доим Зайдни ёдлар, унга нисбатан қилган ишидан пушаймон бўлар эди. Зайд махфиёна яна зиндонга тушиб ўтирди. Хоқон бир куни Зайдни ўз ҳузурига даъват этди. Шунда Зайд:

— Мен ҳукмдор олдида гуноҳкорман. Унга қилган хиёнатим ҳаққини ўн баравар қилиб тўлайман. Ҳар йил хоқон аскар тортиб бориб куфр аҳли бутларини синдирар эди. Мен ўша бутларни тамом пайҳон қилиб келдим, уларнинг олтинларини ҳукмдоримга тортиқ этайин, у эса менинг душманларимга жазо берсин, — деди.

Хоқон кўп одамлардан хиёнат кўрган, аммо, хасталиги туфайли уларни жазолай олмаган эди. Гуноҳкорларнинг ҳаммасини зиндонга буюрди. Зайд келиб ҳукмдорга таъзим қилди. Уни даволади ва ўз саргузаштларини айтиб берди. Хоқон уни авф этиб, заррин тўнлар кийгизиб, илтифотлар кўрсатди!

**БАЙТ:**

*Агар яхшилик кимга афъолдур,*
*Жазоси анинг ганжи иқболдур!*

ДОНО СЎЗИ: Тавба қилмоқ — ярамас ишлардан ўкиниб, ножўя ишлардан тортинмоқдир. У — гуноҳкорни исён лойидан тозалайди. Тавба — ёвузлик йўлининг ниҳояти, ҳидоят кўчасининг бидоятидир. У — манманлик ғафлатидан сесканиш, ўзининг номаъқул ахволини англаб, номуносиб ишлардан пушаймон бўлишдир!

САБОҚ: ОҚИЛ КИШИ ўз умрини озгина мол билан хуррам ва шодликда ўтказади. Нодон киши ҳисобсиз молу давлат билан доимо ғам-алам тортиб, саргардонлик билан кун кечиради. Барча нарсанинг кўнгилдагидек тугаши ақлга боғлиқдир. Шунинг учун оқил киши барчадан улуғ ва муҳтарамдир. Ақиллиликнинг нишонаси шуки, оқил киши ўз нафси устидан ҳукмрон бўлади. Ҳою-ҳавасни узоқлаштириб, ақл доирасидан четга чиқмайди. Ақл нафснинг зиндонидир, ҳою-ҳавас нафс оромгоҳи ҳисобланади. Ҳою-ҳавас турли хил иштиёқ ва орзуларни нафс олдига туҳфа қилиб олиб келади. Аммо бу беҳуда ҳавасларни ақл манъ қилади. Демак, кишининг нафси ҳою-ҳавасга мойилдир, бироқ ақлдан узоқ, шунинг учун оқил нафс қўйига кирмай ақл садосига қулоқ солади. Ишнинг оқибатини ўйлайди. Киши бахт-саодатга нафс орқали эмас, балки, ақл орқали эришади.

МУРОД: БИЛИНГКИ, орангизда душманлик ёки адолат пайдо бўлса, уни тинч йўл билан ҳал қилинг. Кундалик ҳаётингизда зарур бўлмаган нарса учун орзу ва талаб йўлида бўлманг. Унутмангки, равнақ калити харом ва ҳалолни фарқлай билишда, яъни парҳезгарликдадир. Кишининг ҳақиқий фазилати разил иллатлардан сақланишда билинади. Демак, бир-бирингизга озор беришдан сақланинг. Тилло ва нуқра топишда бировдан ўзишга интилманг!

**АЛҚИССА:**

*Ҳар кишиким топса даврон*
*ичра жоҳу эътибор,*
*Ким, анинг зотида бедоду*
*ситам бўлғай қилиғ.*
*Яхшилиғ гар қилмаса,*
*бори ёмонлиғ қилмаса,*
*Ким ёмонлиғ қилмаса, қилғонча*
*бордур яхшилиғ!*

***Баҳодир ВАЛИЕВ тайёрлаган.***

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАСЛАҲАТХОНАСИДА

### ТАРТИБИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

***«1996 йилда тамаки маҳсулотлари ҳамда алкоголли ичимликлар билан савдо қилишга руҳсат берилгандан сўнг жисмоний шахсларнинг маркаланиши зарур бўлган маҳсулотлари инвентаризациядан ўтказилган эди. Ушбу маҳсулотларни сотиш таъқиқланар эмиш, деб эшитдик. Шу ростми?***

***Маҳамат МИРМУСАЕВ, Бўстонлиқ тумани».***

**Саволга вилоят давлат солиқ бошқармаси савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини назорат қилиш бўлими бошлиғи Мирзараҳмон Исмоилов жавоб беради:**

— Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар билан савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга шуни маълум қиламизки, акциз маркаларини жорий қилиш бўйича тармоқлараро комиссия қабул қилган қарорга асосан инвентаризациядан ўтган барча тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар учун белгиланган акциз маркаларининг сотилиши 1996 йил 1 декабрдан бошлаб тўхтатилган эди. Шуни инобатга олиб, акциз маркалари елимланган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар сотиш муддати 1997 йил 1 мартигача деб белгиланган. Тармоқлараро комиссиянинг қарорига биноан 1 мартдан бошлаб инвентаризация учун мўлжалланган акциз маркалари елимланган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар солиқ идоралари ходимлари томонидан савдодан олиб ташланади. Акс ҳолда уларнинг эгаларига белгиланган тартибда жарималар қўлланилади.

Ахборот тарақасида инвентаризациядан ўтказилган маҳсулотлар учун белгиланган акциз маркаларининг код рақамларини келтирамиз:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотлари учун

**O-Z 9600;**

Хориждан келтирилган тамаки маҳсулотлари учун

**1 M 9600;**

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган алкоголли ичимликлар учун

**O-Z 96000;**

Хориждан келтирилган алкоголли ичимликлар учун

**1 M 96000**.

Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар билан савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахслар юқорида баён этилган тушунтиришлардан тегишли хулоса чиқариб олишларини ҳамда зарур чора-тадбирларни кўриб қўйишларини тавсия этамиз.

### МАЪЛУМОТ БЕРИШ ШАРТМИ?

***«Агар фуқаро бирор корхона ёки ташкилотда ишлаб туриб қўшимча равишда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланса, йиллик даромад ҳақида солиқ идорасига маълумот бериши шартми?***

***Акбар РАИМОВ, Қибрай тумани».***

**Саволга вилоят давлат солиқ бошқармаси аҳоли даромадларини солиққа тортиш бўлими бошлиғи муовини Муҳаммад Мансуров жавоб беради:**

— Ҳа, албатта. 1996 йил давомида икки ва ундан ортиқ даромад манбаига эга бўлган барча фуқаролар ўзлари яшаб турган манзилгоҳлардаги давлат солиқ нозирликларига бориб, олган йиллик даромадлари ҳақида маълумотнома (декларация)ни 1 апрелга қадар тақдим этишлари лозим.

Икки ва ундан ортиқ даромад манбаи деганда қуйидагилар тушунилади:

Асосий иш жойидаги даромадидан ташқари йил давомида қўшимча равишда — ўриндошлик бўйича, шартнома асосида, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш натижасида, савдо ва бошқа корхоналарга даромад олиш мақсадида маҳсулот топшириш, мол-мулкни ижарага бериш орқали олинган даромадлар қўшимча даромадлар ҳисобланади.

Маълумотнома бланкалари давлат солиқ нозирликлари томонидан берилиб, у ерда солиқ нозири томонидан декларация тўлдириш тартиби тушунтирилади.

Ялпи даромад тўғрисидаги маълумотномани ўз вақтида ёхуд умуман тақдим этмаслик учун Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган жавобгарлик ҳатти-ҳаракатлари амалга оширилади.

## МАРТ ОЙИДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?



***Мамлакатимиз серқуёш, деҳқончиликка мослашган заминда жойлашган. Шунинг учун ҳам аждодларимиз «Ҳут кирди, деҳқоннинг пайтавасига қурт кирди» дейишган, яъни келажагини, дастурхони тўкин-сочин бўлишини ўйлаган деҳқон бундай долзарб пайтда тинч туролмайди. Ер чопади, жўяк олади, ариқларни тозалаб, экин экишга, кўчат ўтказишга киришади.***

Деҳқонларимиз азалдан ўз ишига кузатувлар орқали илмий ёндашган. 6 ой бурунги об-ҳаво, бугун тескари бўлиб қайтади, деган қоида ҳам қадимдан қолган. Масалан, 6 ой бурун сентябрда қайси куни иссиқ бўлган, мартда салқинроқ келади. Ёки мартдаги сентябрда... Албатта, бу қоида ҳам тахмин, чунки, об-ҳаво баъзан ўзгариши мумкин. Март ойида об-ҳаво қандай бўлади? Бу саволга жавоб топиш учун Ўзбекистон Республикаси гидрометерология маркази бошлиғи Тоҳир Мухторовга мурожаат қилдик:

**— Тоҳир ака, мана энг гўзал фасл баҳорнинг биринчи ойи ҳам келди...**

— Дарвоқе, баҳор «ҳаммани» «уйғотади». Чунки, деҳқоннинг айни шу кунлардаги бир кун қимирлагани, қишнинг ўн кунига татийди. Ўтмишда ота-боболаримиз экин-тикин ишларига ҳут ойидаёқ киришган. Негаки, бу ойда ҳаво ҳарорати, кўп йиллик маълумотларга қараганда, 5 даража илиқдан пастга тушмайди. Аксинча, секин-секин кўтарилиб боради. Бу йил ҳаво ҳароратининг 5 даражадан юқорилаш даври республикамизнинг марказий Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Фарғона водийсида март ойининг биринчи ўн кунлигида бошланади. 2- ва 3-ўн кунликларда эса ҳарорат янада кўтарилиб боради. Бундай давр республикамиз ҳудудларида ҳар хил босқичга эга. Навоий вилоятининг шимолий ва ғарбий қисмларида мартнинг 2-ўн кунлигидан, Қорақалпоғистон Республикасининг баъзи ҳудудларида учинчи ўн кунликда ҳарорат 5 даража илиқ ҳолатига етади. Пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида бугундан бошлаб кечалари 1 даража совуқ 4 даража илиқ. Кундуз кунлари 6-11, баъзан 17 даражагача иссиқ бўлади. Айрим кунлари ёмғир ёғиши кутилади.

**— Одатда март об-ҳавоси ўзгарувчан бўлади. Мисол учун 1969 йил ёғингарчилик миқдори Тошкент вилоятида энг юқори 184 миллиметрга, 1898 йил эса совуқ энг юқори 20 даражага, 1971 йили иссиқ энг юқори 33 даражага етгани кузатилган эди. Бу йил қандай кечади?**

— Тўғри, баъзан дов-дарахт авжи гулга кирганда, экинлар униб чиққанда «қора совуқ» ёки қор ёғиши деҳқончиликка ҳалал берган ҳоллари илгари бўлган. Начора бу табиат. Бу йил ҳам март ойининг иккинчи беш кунлигида Республикамиз ҳудудига салқин ҳаво оқими кириб келиши кутилмоқда. Пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида иккинчи беш кунликда, яъни совуқ ҳаво оқими даврида кечалари 3-8 даража совуқ, кундуз кунлари 0-5 даража илиқ атрофида бўлади. Қолган кунлари ҳаво ҳарорати яна кўтарилади. Кечаси 1 даража совуқдан 11 даража илиққача, кундузи 6-11 ёки 19-24 даражагача иссиқ бўлиши кутилади. Тошкент вилоятида ёғингарчилик миқдори меёрида бўлади, яъни 59-93 миллиметр, тоғлиқ туманларда 90-150 миллиметр миқдорида ёмғир ёғади.

***Суҳбатдош: Тўлқин ЁРҚУЛОВ.***

## *СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

## МИЛЛИЙ КУРАШИМИЗ

## ДОВРУҒИНИ ТИКЛАЙЛИК

*Эркин полвон Мусаев:*

### «ЙИГИТЛАР, БЕЛНИ БОҒЛАНГ!»

***50-60 йилларда Ўзбекистонда донг таратган Асқар полвон, Қаюм полвон, Эгамберди полвон, Тўйчи полвонларнинг ҳар бир бел олишиши катта байрамга айланиб кетарди. Собиқ «Спартак» ўйингоҳидан чиқиб, жанггоҳга, полвонлар беллашувига ошиқардик. Баланд бўйли, елкадор, қизил чопон, қизил этик кийиб олган Асқар полвон ҳамиша шогирдлари қуршовида юрарди. Полвонларнинг бел олишиши, муҳлисларнинг курашга меҳри баланд эди ўша кезларда.***

Тошкент вилояти миллий кураш терма жамоасининг бош мураббийси, Ўзбекистоннинг бир неча бор чемпиони, пискентлик Эркин полвон Мусаев билан суҳбатимиз миллий кураш муаммоларига бағишланди.

**— Мана сиз машҳур полвонсиз, биз муҳлис. Холис айтингчи, курашимизнинг аввалги довруғи билан ҳозирги мавқеини таққосласа бўладими? Нега кейинги йилларда миллий курашимизга, хусусан фарғонача усул курашига етарли эътибор берилмаяпти?**

— Сиз айтганчалик эмас, — эътироз билдирди суҳбатдошимиз. — Мана биз куни кеча Татаристоннинг Алметьевск шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда қатнашиб келдик. У ерда 17 мамлакат полвонлари баҳсида жамоа ҳисобида 3-ўринни олдик. Вилоят спорт шарафини пискентлик 5 полвон ҳимоя қилди. Бешталаси ҳам ўз вазнларида кучли учликдан жой олишди. Олимбек Файзуллаев 80 килограммгача, Эргаш Алматов 90 килограммгача полвонлар баҳсида 2-ўринни эгалладилар.

**— Ўзбекистон биринчилиги асосан Фарғона водийси ва Тошкент вилоятининг икки тумани Пискент ва паркентлик полвонлар ўртасида ўтадиган бўлиб қолди...**

— Тўғри, вилоятимизда миллий кураш асосан Пискент ва Паркент туманларида эъзозланмоқда. Бироқ, вилоятимизнинг бошқа туманларида бу спорт турига етарли эътибор берилмаётганлиги ачинарлидир. Мураббийлар бор, шароит мавжуд, полвонлар ҳам бор. Лекин бошқа туман жамоалари маҳорат жиҳатидан анча орқада эканликлари сезилиб қоляпти.

**— Эркин ака, миллий курашимизда икки хил, яъни фарғонача ва бухороча усуллари мавжуд. Бухороча усули анча оммавийлашган, мавқеи ҳам тобора баландлаб боряпти.**

— Фикрингизга қўшиламан. Биласизми, бухороча кураш спортнинг самбо ва дзюдо турларига жуда яқин. Бу усулда курашадиган полвонлар самбо ва дзюдо бўйича ўтказиладиган биринчиликларда бемалол бахслаша оладилар. Бухороча курашда фақат рақибининг оёғидан ушлашга рухсат этилмайди. Бошқа барча харакатлар деярли бир хил.

**— Фарғонача усулга қайтсак, беллашув муддати, вазнлар қанча?**

— Биласизми, бунда ҳам қатъий бир қонун-қоида, дастурга эга эмасмиз. Авваллари полвонлар ўн вазнда беллашардилар. Кейинчалик вазнлар қисқартирилиб, 7 тага келтирилди. Ҳозирда чемпионлар 8 вазнда аниқланмоқда. Олишув вақти ҳам кўп мунозараларга сабаб бўлмоқда. 6 дақиқада энг кўп хол тўплаган полвон ғолиб деб топилади. Менимча, кураш вақтини ҳар бирини беш дақиқадан қилиб, икки бўлимдан қисқа муддатли танаффус билан ташкил этиш лозим.

**— Полвонлар мусобақаси бир йилда кўпи билан 3—4 марта ўтказилмоқда, яъни вилоят, республика биринчиликлари ҳамда 1—2 та халқаро мусобақалардан иборат бўлиб қоляпти.**

— Тўғри, бу маблағ масаласига ҳам боғлиқ. Аммо, мутасаддилар ва фидойилар жонбозлиқ кўрсатсалар бу муаммони ҳал қилса бўлади. Мана, «Наврўз» айёми яқинлашмоқда. Халқ сайлларида ошлар дамланади, дастурхонлар безатилади, сумалак, халимлар тортилади, санъаткорлар куй-қўшиқлари даврага файз киритади. Ана шундай давраларнинг камдан-камларидагина полвонлар беллашувлари бўлади. Менимча, ҳар бир қишлоқ, шаҳар, туман марказларида ўтадиган сайилгоҳларда кураш мусобақаларини уюштириш, хаваскорларни даврага тортиш керак. Белга белбоғ боғлаб, даврага чиққан ҳар бир ёш-яланг миллий курашга шайдо бўлиб қолишига имоним комил. Фақат, спорт мутасаддилари бу ишга бошчилик қилсалар кифоя. Бизда ана шу фазилат, ташаббускорлик етишмаяпти. Шунисига куюниб кетаман.

Эркин полвон Мусаев 60 ёшни қоралаб қолди. Лекин, белидаги белбоғини ечганича йўқ. Татаристондан янги дўстлар орттириб, уларни Пискентда бўладиган галдаги беллашувларга таклиф этиб қайтди. Мирҳали қори полвон, Ҳаким полвон, Олим полвон, Нуриддин полвонлар хотирасига катта кураш мусобақасини ўтказишни ният қилган. Унда қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, шунингдек Россиянинг бир қатор шаҳарларидан номдор полвонлар келиши мўлжалланган.

Миллий курашимизнинг бундай чинакам, жонкуяр фидойилари кўпайишини истардик. Ана шунда миллий курашимиз довруғини тиклаган бўлардик.

***Шарофиддин УМУРЗОҚОВ, спорт шарҳловчиси.***

### МУСОБАҚАЛАР, ЎРИНЛАР

Франциянинг Капелла Де Гранта шаҳрида халқаро шахмат мусобақаси ўтди. Унда ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов муваффақиятли ўйнади ва халқаро гроссмейстер нормативини бажарди. Ҳамюртимиз энди Франциянинг Тулуза шаҳрида ўтадиган бошқа йирик мусобақада қатнашади.

* * *

Каратэ спортининг ўзига хос услуби ҳисобланмиш кекусинкай ёшлар ўртасида оммалашиб бормоқда. Спортнинг бу тури бўйича республика биринчилиги мусобақалари ўтганлиги ҳам шундан далолат беради. Клублар ўртасида бўлган ана шу баҳсда Тошкентнинг «Лотос» кекусинкайчилари ғолиб чиқдилар. Александр Цой (70 кг), Дмитрий Махов (80 кг) ва оғир вазнли Валерий Эшмуродов барча рақибларидан устун чиқдилар.

* * *

Тоғ чанғи спорти ишқибозлари Чимёнда халқаро мусобақаларни томоша қилиш билангина кифояланишарди. Энди эса мамлакатимизнинг тоғ чанғичилари нуфузли мусобақаларда ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Яқинда Италиянинг Сестриен шаҳарчасида тўғрин дунёнинг энг моҳир тоғ чанғичилари баҳсига ғазалкентлик Элмира ва Комил Урумбоевлар таклиф қилинганди. Бу опа-ука спортчи йирик слалом ва махсус слаломда мусобақалашишди. Улар совринли ўринларга даъвогарлик қилишмаган бўлсалар-да, жаҳон чемпионлигида иштирок этганликларининг ўзи қувонарлидир.

Мирзо Улуғбек туманидаги масъулияти чекланган «Алихон — Ал» жамияти
**ТУГАТИЛАДИ**
Даъволар 15 кун давомида қабул қилинади.
Тел: 44-28-72.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 219-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Динора Зоҳидовна Солиҳова номига берилган А № 415578 сонли шаҳодатнома йўқолганлиги муносабати билан
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Паркент тумани «Паркент ширкатлар уюшмаси» бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси уюшма бошқаруви раиси Аглам Турсуновга волидаи муҳтарамаси
**Тожинисо ая СИДДИҚОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси вилоят шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида ишлаш учун участка вакилларининг мавжуд бўш лавозимларига танлов эълон қилади.**

**Танловда олий ва ўрта махсус маълумотли ҳуқуқшунослар, олий маълумотли педагоглар, ҳарбийлар иштирок этишлари мумкин.**

**Иштирокчилар 25 ёшгача бўлган эркаклар бўлиб, жисмонан соғлом, бўйи 170 см.дан кам бўлмаган, маҳалла ва иш жойидан ижобий баҳоланган, ички ишлар идораларининг ўрта бошлиқ таркибига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган бўлишлари керак.**

***Ҳужжатлар душанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача Буюк Ипак йўли кўчаси, 243-уй, вилоят ИИБ Кадрлар бўлимида қабул қилинади.***

**ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ**

«ЎЗБЕКНАВО»
КОНЦЕРТ-ГАСТРОЛ
БИРЛАШМАСИ
«ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ»
САРОЙИДА
**15 март соат 18.00 да**
**ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ОЛДИДАН**
**«БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДИМАН»**
Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти
**ОРТИҚ ОТАЖОНОВ**
таваллудининг 50,
ижодий фаолиятининг 30 йиллигига бағишланган
**КАТТА КОНЦЕРТ**
**ҚАТНАШАДИЛАР:**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
**СУЛТОНПОШША ЎДАЕВА**
Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист
**ФАРҲОД ДАВЛАТОВ**
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар:
**ЎКТАМ АҲМЕДОВ, КАРИМБОЙ РАҲМОНОВ**
раққоса — **НИГОРА ЖУМАНИЁЗОВА**
Хушовоз хонандалар: **ОҒАБЕК СОБИРОВ, АЗАМАТ ОТАЖОНОВ.**
*Концерт дастурини — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист* **ЎТКИР СИДДИҚОВ** олиб боради.
**Чипталар сарой кассаларида соат 11 дан сотилмоқда.**
**Маълумот учун телефонлар: 45-92-51, 33-73-10.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0146. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 17.693 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6